

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

## “ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ”

мавзусидаги республика  
илмий-назарий анжумани

МАТЕРИАЛЛАРИ

2018 йил 19 октябрь



## ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА САВОДХОНЛИКНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Тил – ўтмиш, тил – бугун, тил – келажак. Ҳазрат Навоий ўз замонасида тилнинг нақадар аҳамият касб этиши ҳақида: «Тилга ихтиёrsиз – злга эътиборсиз», – деб ёзганида қанчалар ҳақ эди. Туркий тилнинг жозибаси, унинг бойлигини исботлаш учун буюк бобомиз бенихоя салмоқли ишлар қилган. Буюк маърифатпарвар олим Абдулла Авлоний: «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадургон ойнайи ҳаётни тил ва адабиётдур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдур», – деб ёзди. Она тили дарсларида ўқувчиларнинг ёзма саводхонлигини оширишда дарсда ва уйда бажариладиган ёзма машқуларни бажариш ва уларни ўқитувчи томонидан назорат килиб бориш катта аҳамиятга эга. Фикрни ёзма тарзда баён қилиш мураккаб жараён бўлиб, она тили таълим мининг мақсади шунда мужассамлашган.

Адабиёт дарсларида эса асар муаллифлари ёки қаҳрамонларига мактублар ёзиш, уларнинг ўзига хос фазилатлари ёки иллатларини баён қилиш, адабий асар ёки адабий танқидий мақолаларга тақриз ёзиш каби ёзма ишлар ўқувчиларнинг ёзма нутқини ўстириш билан бирга уларнинг саводхонлик даражасини ҳам ошириб боради. Таълим жараённида ўқувчиларнинг ёзма саводхонлигини оширишда академик лицейларда ўқитиладиган барча фанларда ўқувчиларнинг саводхонлик даражасига эътибор қаратиш зарур. Афсуски, бу масалада таълим жараённида жиҳдий камчиликлар мавжуд. Она тили ва адабиёт дарсларида ёзма назорат ишлари: диктант, ижодий баён, иншо каби турларни ўтказиш ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширади. Айниқса, имло саводхонлигини ошириш, ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш ўқувчиларнинг ёзма нутқ малакаларини мустаҳкамлаш учун хизмат киласи. Таълим жараённида ёзма саводхонликни ошириш учун диктант, ижодий баён, иншоларни ўтказиш қанчалик мухим бўлса, уларни таҳлил қилиш, хатолар устида ишлаш ва уларни баҳолаш ҳам шунча катта

гапириш) сингари тақрор сўзлардан унумли фойдаланган ҳолда персонажнинг воқеликка бўлган муносабатини кўрсатиб беришга ҳаракат қилган.

Асар матнida ўндан ортиқ маротаба кўлланган “ахай-ахай” (оий – ой ҳой) тақрор сўзи ҳам нутқда ижобий кайфиятни ифодалашига хизмат қилган: “Биродарлар-эй, жамики олам бир тараф, қўйин – деганлари бир тараф экан! Аҳай-ахай”. [4, 10] Ушбу парчада “ахай-ахай” тақрор сўзи асар қаҳрамонининг руҳий ҳолатини (кўтаринкилик, манмунлик) ҳолатини ифодалаш мақсадида кўлланган.

Адаб бир ҳаракатнинг узқ давом этганлигини тасвирлаш мақсадида бир қатор тақрор сўзлардан унумли фойдаланган: “Бир эътибор билан қарадим. Бир фаросотим билан ўйладим. Караб-қараб топдим, ўйлаб-ўйлаб топдим”. [4, 58] Ушбу матнда шахснинг ҳар бир ҳолатга жиҳдий эътибор билан қарashi тақрор сўзлар ёрдамида нутқка моҳирлик билан кўчирилган.

Шунингдек, қиссада кўлланган ҳол-ҳол, зим-зиё, ошиқона-ошиқона, буришиб-буришиб, ўйноқлатиб-ўйноқлатиб, териб-териб, аччиқ-аччиқ, гажак-гажак, ўша-ўша, айланиб-айланиб, аввал-аввал сингари тақрор сўзлар ҳам лингвопрагматик мақсад учун хизмат қилган.

Хуллас, инсон нутқи орқали унинг руҳий ҳолати ҳамда шахсий кечинмаларининг лингвопрагматик хусусиятларини ҳар бир ижодкор асарлари асосида тадқик этиш тилшунослигимизни долзарб масалалардан бири хисобланади.

### Фойдаланилган адабиётлар

- Худойберганова Д. Матнинг антропоцентрик тадқики. – Тошкент: Фан, 2013.
- Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008.
- Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистика асослари. – Тошкент: Академнашр, 2013.
- Тоғай Мурод От кишинаган оқшом. – Тошкент: Sino-standart, 2017.

аҳамиятга эга. Таълим боскичларида, афсуски, ёзма ишларни таҳлил килиш, хатолар устида ишлаш, баҳолаш ишларини қоникарли, намунали деб бўлмайди. Бунинг учун ўқитувчининг савияси, саводхонлик даражаси юқори бўлиши керак. Адабиёт дарсларида ўтказиладиган иншо, ижодий ёзма ишларнинг мавзулари тақвим режа асосида кўрсатилган. Она тили дарсларида уни амалга ошириш ўқитувчи ихтиёрида бўлиб, диктант, ижодий баён, иншо мавзулари ва матнлар миллый қадриятлар, маънавий-ахлоқий фазилатлар, маърифий, ватанпарварлик мавзуларида таъланishi керак. [1, 59] Бунда ўкувчиларнинг ёши ва психологияк хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Академик лицейларда «Кимнинг хати чиройли», «Китобхон кундалиги» каби танловларни ўтказиш, «Хусниҳат» тўгаракларини ташкил этиш ўкувчиларнинг ёзув малакасини тўлиқ эгаллашга бўлган қизиқишларини ва оғзаки, ёзма саводхонлигини оширишга хизмат қиласди.

Академик лицей ўкувчиларининг саводхонлигини текшириш, асосан, кайси ўринларда хатоларга йўл кўяётганлигига аҳамият берган ҳолда, ўша хатоларнинг илдизини аниқлаш ва бартараф қилиш мақсадида уч гуруҳда тажриба ўтказилганда, ўкувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқларида бир қатор камчиликлар кўзга ташланди. Аввало, ўкувчилардан сўзлардан, сўнг матнлардан иборат диктантлар олинди, ўқилган бадиий асарлар юзасидан савол-жавоблар олинди, ўтказилди, кейин эркин мавзуларда иншо ёзиш топширилди. Уларнинг ишларини текшириш асосида аксарият ўкувчилар йўл кўйган хатоларда умумийлик борлиги аниқланди. Бундай умумий хатолар қуйидагича гурухланди:

х ва х ҳарфлари билан боғлиқ хатолар;  
шевалар билан боғлиқ хатолар;  
унли ёки ундошнинг кўш ҳамда қатор келиши билан боғлиқ хатолар;  
тутук белгиси билан боғлиқ хатолар;  
-нинг кўшимчаси ўрнига -ни кўшимчини кўллаш билан боғлиқ хатолар.

Юқоридаги кичик бир кузатиш шуни кўрсатадики, ўқувчилар йўл кўяётган хатоларнинг аксарияти талаффузга асосланган ҳолда юзага келган. Шунга кўра, йўл кўйилаётган хатоларни тузатиш ва уларнинг олдини олиш борасида қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур деган хуносага келинди:  
 – бадиий асарларни кўпроқ мутолаа қилдириш орқали ўкувчиларнинг хотирасида у ёки бу сўзларнинг ёзилиши билан боғлиқ кўникмаларнинг ҳосил бўлишига, натижада автоматик равища тўғри ёзишларини таъминлашга эришиш;  
 – адабиёт дарсларида беш-үн дақиқалик чекиниш қилиб, кичик хикоялар ёзиш, лугат диктантлари ўтказиш ва бир-бирининг хикоясини, диктантини текшириш ва хатоларини тузатишга бериш;  
 – дарс жараёнида ҳар бир ўкувчининг адабий тилда сўзлашига эътибор бериш максадга мувофиқ[2];  
 – дарсларда андроид китоблар билан ишланиш.

Хуноса қилиб айтганда, ҳар бир ўқитувчининг мақсади билимли, ақлли, тарбияли, замонавий изланувчан, маъман бой, ҳар томонлама етук бўлган ҳамда дунёнинг бошقا давлатларидаги тенгдошлари билан борасида беллаша олувчи, янада тараққий этишига хисса кўша олувчи шахсни тарбиялашдир. Зоро, биздан таълим олаётган ўкувчилар – эртамиз эгалариdir.

### Фойдаланилган адабиётлар

- Адамова Ш. Саводхонлик – юксак маънавият ва маданият белгиси. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2015.
- Таълим жараёнида ёзма саводхонликини оширишининг асосий омиллари. «Ўзбек тили» доимий анжумани XIII йигини материаллари. – Тошкент, 2015.

**Сайёра ЯДГАРОВА**  
(Термиз давлат университети)

### ЎЗБЕК ТИЛИДА ЎЗ-ЎЗИННИ БАҲОЛАШ АКТЛАРИ

Сўзловчи нутқий фаолиятида объектив воқелик ҳақида хабар беради ва бу хабарга ўз муносабатини билдиради. Прагматик тадқиқотлар билан шугулланган М.Ҳакимов бу ҳақда: “Инсоннинг сўзи унинг мағкурасини белгилайди. Инсон ўз нутқи орқали объектив оламга бўлган муносабатини ифода этади, шу билан